

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 9 » апрель 2019 у.

№ 289

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги
машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 сентябрдаги
ПҚ–3929-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги
машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ–3929-сон қарорига
мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари қотибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 9 ” апрелдаги
289 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПК–2454-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» 2016 йил 10 февралдаги 33-сон қарорига (*Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда*) 3-илованинг 10¹ – позицияси чиқариб ташлапсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аэропортларида расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги Низомга иловадаги 2-рўйхатда:

5.6.16 - кичик банддаги ““Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари – “Ўзагротехмаш” АЖ бош директори” сўзлари ““Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раисининг ўринбосарлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5.6.17 - кичик банддаги ““Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари “Ўзагролизинг” АЖ бош директори” сўзлари ““Ўзагролизинг” АЖ бошқаруви раиси” сўзлари билан алмаштирилсин.